

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 121-ҳадис

121 – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَرُدُّ الطَّيِّبَ. رواه البخاري.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоху алайҳи васаллам хушбўй нарсани рад этмасдилар”**.

Имом Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Ислом поклик ва тозаликни севади. Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом райҳон каби хушбўй нарсаларни рад этмай, қабул қилишни буюрганлар. Чунки у нарсалар хушбўй ҳид таратиб, соғлом завқли кишини мамнун қилади. Мусулмон киши хушбўй нарсани рад этиши дуруст эмас. Чунки бу нарсани ўзига ва бошқа суҳбатдошларига манфаати бордир. Лекин, касаллик ёки таъсирчанлик (аллергия)си бўлса, бундай кишиларни рад қилишида зарар йўқ. **"Зарар бериш ҳам йўқ, зарар кўриш ҳам йўқ"** деб айтилган ҳадисга мувофиқдир, рад қилишда ҳам чиройли тарзда рад қилади.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам хушбўйликни яхши кўрардилар, у зотдан доим хушбўй ҳид таралиб турар эди.
2. Мусулмон киши доим хушбўй бўлиб юришга эътибор қаратади. Хоҳ оғзи бўлсин, хоҳ тер оқадиган жойи бўлсин, тозалик ва гигиенага жиддий эътибор қаратади.
3. Агар биродарим хушбўй нарса совға қилса, уни рад этмайман. Чунки бу иш-суннатдандир.
4. Агар менда аллергия касали бўлса ёки бемор бўлсам хушбўй нарсани рад этишим мумкин. Чунки бу ҳолат мусулмон киши узрли бўлади.
5. Хонадонинг боғига райҳон ва атиргулларни экиб қўй!



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI